

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 117 (11.428)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
ТОШКЕНТ

**Мамлакатимизда
кичик бизнес ва
хусусий
тадбиркорлик
ривожига
қаратилган юксак
эътибор боис
мазкур соҳанинг
иқтисодийдаги
улуши ортиб
бормоқда.**

Тадбиркорлик

МАҲСУЛОТНИНГ ЯНГИ МОДЕЛЛАРИ

Тадбиркорлар сафининг кенгайиши эса ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардор маҳсулотларда, жазом андозалари даражасидаги хизмат кўрсатишда, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хусусий тадбиркор сифатида бир неча йил фаолият кўрсатиб, яхшигина тажриба тўплаган Муҳаббат Тошмухамедова имкониятлардан оқилона фойдаланиб «NURAFSHON NUR» хусусий корхонасини ташкил этди. Бунинг натижасида замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган цехларда 30 нафардан зиёд аёллар иш билан таъминланди.

Корхонада асосан маҳсулоти иш кийимларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлиб, сифатга қаратилган эътибор буюртмачилар сафини орттирмоқда. Яна бир муҳим жиҳати хусусида тўхталадиган бўлса, корхона дизайнер-модельер ҳамда чеварлари талаб ва тақлифлар асосида турли соҳа ходимлари учун қўлай, бежирим кийимларнинг янги моделларини яратиб бериши мумкин.

Шу боис ҳам ўтган қисқа давр ичида маҳсулот турлари 1000 хилдан ортиб кетди. Буюртмачилар орасида йирик корхона, компания ва ташкилотлар

дан ортиб тадбиркорлик субъектларига бор. Чеварлар транспорт, кон-металлургия, қурилиш, нефть-газ, тиббиёт ва бошқа кўплаб соҳа ходимларининг талабларини қондиришмоқда.

Маҳсулотларимиз дизайнини янада яхшилаш, кўринишини кўркамлаштириш мақсадида Хитойдан янги нақш тўшириш ускунасини келтириб ўрнатилди, — дейди Муҳаббат Тошмухамедова.

Бу буюртмачиларимиз кўпайишида, ишлаб чиқариш ҳажми ортишида муҳим ҳисса бўлади. Шунингдек, хорижий давлатлардан ҳам буюртмачилар олишни режалаштирибмиз. Бу, албатта экспортни йўлга қўйишимизда катта аҳамиятга эга бўлади.

Жорий йилда буюртмачиларни сифатли адо этаётган тадбиркорлар замонавий технологиялар асосида ўнлаб янги маҳсулот турларини хариддорларга тортиқ этишди. Ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш асосида янги ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда эришилди.

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: чеварлар тайёрланаётган маҳсулот сифатини таъминлашмоқда.

Ҳақимжон Солиқов олган сурат



Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон тасвирий санъат галереясида бўлиб ўтди. Ушбу анжуман пойтахтимизнинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида ўз тарихимизни англаш ва ўрганиш мақсадида «Тошкент тарихий йўлида» широри остида ўтказилди.

Анжуманлар

ТОШКЕНТ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Қадимдан илм-фан, маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлган азиям пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб равишда нишонлаш мақсадида кўплаб илмий-амалий анжуманлар ўтказилмоқда.

қанлар Тошкентнинг 2200 йиллигини юксак даражада нишонлаш борасида кўпгина амалий ишларнинг самараси ҳақида сўз юритишди.

Шундан сўнг бир қатор олимларнинг Тошкентнинг ўтмиши ва бугуни ҳақидаги маърузалари тингланди. Улар томонидан тайёрланган видео тасвирларда Тошкентнинг кўп йиллик тарихи силсиласидаги ҳаёти тасвирланди.

Тадбир давомида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган «Ягонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танловининг тўнма босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ҳам бўлиб ўтди.

Унга қўра, «Ватан ягонадир — Ватан биттадир» широри остидаги кўрик-танлов ғолиблигига ТАТУ талабаси Р.Саъдуллаев, «Тошкент шаҳри — менинг фахрим» деб номланган шеърини кечаси ғолиб ТДЮИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Ш.Абдурашулова, «Тошкент тарихини ўрганишимиз» широри остида ўтказилган беллашувнинг бош совринига «Тошкент» гуруҳи — Тошкент Молия институти талабалари сазовор бўлишди.

Ғолибларга тадбир ташкилотчиларининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди. Тадбир сўнггида совриндорлар ўзларининг муносиб чиқишлари билан йилланларнинг дилларини ҳушуд эттишди.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига мувофиқ 2009 йил 19 июнь кунини соат 10.00да учинчи чакриқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг йигирманчи сессияси чакрилади. Сессия Тошкент шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида бўлиб ўтади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш — давр талаби» маърузасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Инкирозга қарши чораларнинг 2009-2012 йилларга мўлжалланган Дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъулиги тўғрисида»ги Қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси ҳақида,

— Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида,

— Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда Инкирозга қарши чоралар дастурининг бажарилиши бўйича Собир Раҳимов тумани ҳокимлигининг ҳисоботи,

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг 2008 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи,

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошқармасининг 2007-2008 йиллардаги фаолияти бўйича ҳисоботи,

— Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисида,

— бошқа масалалар.

«Таътил — 2009»

Ўқувчиларнинг ёзги таътилин мароқли ўтказиш, уларни соғломлаштириш ва саломатлигини тиклашга турли вазирлик ва идоралар, муассасалар билан бирга жамоат ташкилотлари ҳам самарали ҳисса қўшмоқда. Пойтахтимиздаги Тиббий-ижтимоий марказда «Соғлом авлод» болалар ёзги оромгоҳининг фаолият бошлагани бунинг далилидир.

БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Оромгоҳнинг очилишида таъкидланганидек, Президентимиз Ислоом Каримов раҳнамолигида юртимизда ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш ва муҳофазаланишнинг изчил механизми яратилган. Барпо этилган кўплаб сўхатгоҳлар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ушбу мақсадга хизмат қилмоқда. Ўғил-қизларни ҳам жисмонан, ҳам маънан чинқириши, соғлигини ҳимоя қилишда мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил даври алоҳида аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, Ўнубод тумани ҳокимлиги ва бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида пойтахтимиздаги Тиббий-ижтимоий марказ қошида ташкил этилган «Соғлом авлод» болалар ёзги дам олиш маскани ҳам ёшларнинг таътил вақтини мазмунли ўтказишига ва жисмонан чинқиришига хизмат қилади. Шаҳардаги кам таъминланган, ижти-

мой химояга муҳтож, кўп болали оилалар фарзандлари жалб этилган ушбу оромгоҳда бутун ёзги таътил даврида икки юз эллик нафардан зиёд боланинг дам олиши ташкил этилади.

Марказ раҳбари Хотам Ризаевнинг айтишича, оромгоҳда болалар кўнгли дам олиш жараёнида малакали шифокорлар, ижтимоий соҳа мутахассислари кўригидан ўтказилиб, мавжуд хасталикларни аниқ ташхис ёрдамида даволаш ва саломатлигини тиклашга катта эътибор қаратилади. «Соғлом авлод — келажак пойдевори» мавзuida ўтказиладиган учрашув ва давра сўхатлари, тиббиёт сабоқлари, интеллектуал викториналар ўғил-қизларнинг тиббий билими ва саводхонлиги янада юксалишида муҳим ўрин тутди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов кеча Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг Москва шаҳрида ўтказилган сессиясида қатнашди, шунингдек, 15-16 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг Екатеринбург шаҳрида ўтказилаётган мажлисида иштирок этмоқда.

• Тошкентда икки кун давомида «Демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари ва Ўзбекистон сайлов қонунчилиги» мавзuida халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Тошкент Давлат юридик институти, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти томонидан Нагоя университети (Япония) ҳамда ЕХХТ лойиҳаларини мувофиқлаштирувчининг Ўзбекистондаги офиси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

• «Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганиш бўйича минтақавий ўқув-семинари бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорлигида Қарши шаҳрида «Фуқаролик жамияти институти фаолиятида аёлларнинг фаоллигини ошириш соҳасида самарали шакл ва услубларни қўллаш» мавзuida маънавий ўқув-семинари ташкил этилди.

• Ўзбекистон Давлат консерваториясида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги ўқув юртлари ўртасида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловининг саралаш босқичи ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросими ҳамда гала-концерт бўлиб ўтди.

• Тошкент темир йўл вокзалида кутиб олинган хоразмлик 600 нафар мактаб ўқувчилари ёзги таътилни мароқли ўтказиш мақсадида Паркент туманидаги «Сумча» ва «Бой-чечак» болалар соғломлаштириш оромгоҳларига кузатилди. Улар 15 кун давомида табиат қўйнида мазмунли хордик чиқарадилар.

ЖАҲОНДА

• Габон Сенати раиси Роза Фарнсина Рогомбе мамлакат президенти вазифасини вақтинча бажариб турадиган бўлди. Кунини кеча Рогомбе бу борада қасамёд қабул қилди. Мамлакат Конституциясига кўра у 45 кун ичида президент сайловини ташкиллаштириши лозим.

• Эронда ўтказилган президент сайловларида мағлубиятга учраган собиқ бош вазир Мир Хусайн Мусавий овоз бериш якунлари юзасидан расман норозилик эълон қилди.

• Исроил бош вазири Беньямин Нетаньяху фаластинликларни олдиндан шарт қўймаган ҳолда тинчлик музокараларини бошлашга қачирди.

• БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун ушбу ташкилот аъзолари А/Н1 N1 гриппи пандемияси муносабати билан халқаро товар ҳаракати ва савдо-сотик айланмасига чеклов қўймасликлари лозимлигини таъкидлаб ўтди.

• Покистон маъмурлари «Толибон» ҳаракатининг маҳаллий етакчиларига қарши ҳарбий операция ўтказишга рухсат беришди.

• АҚШ Марказий разведка бошқармаси директори Л.Панеттанинг таъкидлашича, разведка маълумотларига кўра «Ал Коида» террористик гуруҳининг етакчиси Усама Бин Лодин ҳозирги вақтда Покистон ҳудудида яшириниб юрди.

• Камчаткадаги Шевелуч номли вулқон уйғониб, денгиз сатҳидан 7,7 километр юқорига қулли лавани отди.

• Бугунги кундаги жаҳоннинг энг қучли чарм тўп усталаридан бири — Англиянинг «Манчестер Юнайтед» клубида тўп сураётган португалиялик Кристиан Рональдунинг Испаниянинг «Реал» жамоаси 94 миллион еврога харид қилди. Ушбу футболчининг шартномаси тўғрисидаги расмий маълумот 30 июнда эълон қилинади.

• Кеча Жанубий Африка Республикасида ўз китъалари чемпионатларининг ғолиблари бўлган 8 та терма жамоа иштирокида ФИФА Конфедерацияси кубоги баҳслари бошланди. Турнирда ЖАР — Ироқ терма жамоалари ўртасидаги дастлабки учрашув 0:0 ҳисобида якунланган бўлса, испан футболчилари Янги Зеландия терма жамоасини 5:0 ҳисобида енгди.

• Россиялик бир гуруҳ тадқиқотчилар Сомон йўлида Ер шаридан икки ярим миллион ёруғлик йили узокликда жойлашган навбатдаги экзосаёрани аниқлашга муваффақ бўлдилар.

ҚИСКА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **МИРЗО** Улуғбек туман ҳокимлигида мактаб ўқувчиларининг ёзги таътили сермазмун ўтишини таъминлаш масалаларига бағишлаб ўтказилган тадбирда мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, «Камолот» ЕИҲ фаоллари иштирок эттишди.

✓ **ТОШКЕНТ** Тиббиёт академиясида талабалар, ўқитувчилар, шифокорлар иштирокида ўтказилган тадбир Халқаро донорлар кунига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Архитектура ва қурилиш институтида экологик муҳитни асраш ва экологик муаммоларни бартараф этиш мавзuida ўтказилган тадбир Ўзбекистон экологик ҳаракати ташаббуси билан уюштирилди.

✓ **БАДИЙ** академиянинг Марказий кўргазмалар залида қозоқ расмони Абдували Қўрғонбоевнинг асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

ИШГА АМАРҲАМАТ!

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, навбатдаги энг муҳим вазифа — бу мамлакатимизни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантиришдан иборат.



Шаҳримизда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси тасарруфиди ўн битта туман бандликка кўмаклашувчи марказлари фаолият юритади. Улар меҳнат бозориди ўзига хос воситачи ролини ўйнайди, яъни номига яраша ўз зиммасидаги вазифани амалга ошириш учун корхона, ташкилотларнинг бўш ўринларини ўрганиш асосида иш берувчилар таклифидан келиб чиқиб, банд бўлмаган фуқаролар талабини қаноатлантиришга ҳаракат қилишади. Бугунги суҳбатдошимиз — Шайхонтоҳур туман бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Ва-

сила Хонкелдиева билан биз шу хусусида мулоқотда бўлдик.
— Туманимизда ҳозирда 49 та маҳалла мавжуд бўлиб, уларда истиқомат қилувчи аҳолининг банд бўлмаган қисмини рўйхатга олиш, ишга жойлаштириш ҳамда ижтимоий муҳофаза қилиш жамоамизнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу ўринда айтиш жо-



лақасини ошириш марказига 197 нафар фуқаро йўлланма билан ўқишга юборилди. Шунингдек, давлатимиз томонидан кичик корхоналар, хусусий бизнес субъектларининг равнақига етарлича шарт-шароитлар яратилаётгани, ҳуқуқий ҳимояси таъминлаётгани яхши самаралар бермоқда. Ҳўжалик субъектларини текширишнинг кескин қисқар-

сида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўри-сида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида ҳам саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, 200 нафар фуқаро касаначилик йўналиши бўйича иш жойларига эга бўлишди.

Жамоанинг малакали ходимларидан Шаҳноза Фуломова, Умида Орипова, Маъмура Қосимова, Ҳамида Худойберганава, Эътибор Сафаровалар ўз вазифаларини сиздиқидан адо этишмоқда. Туманимизда бандлик масаласи ечимига қаратилган (маҳаллаларда, туман, шаҳар микросида) тадбирлар доирасида — «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркалари, учрашув, ўқув-семинарлари, давра суҳбатларида аҳоли манфаатларини таъминлаш, уларнинг турмуш даражаларини янада яхшилашни асосий максат қилган ҳолда фаолият юритамиз.

Бундан ташқари жамоамиз аҳолининг ижтимоий ҳимояси борасида ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши юзасидан ўз ваколатларимиз доирасида тегишли иш қилинмоқда. Жумладан, 2 ёшгача, 18 ёшгача фарзандлари бор ҳамда, моддий ёрдамга муҳтож оилаларга нафақа тайинланади.

Сирасини айтганда, авваламбор ҳар бир жабҳада мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш билан бирга, янгидан янги имкониятларни ҳам излаш муҳим аҳамият касб этишини доимо ёдда тутиб, фаолият юритишга ҳаракат қилияптиз.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: туман бандликка кўмаклашувчи марказ жамоаси фаолиятдан лавҳалар

Бандлик СОҲАДАГИ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИ

изки, ишга жойлашиш муаммоси билан тўқнашган ҳар бир киши малака-сига мос, маоши қаноатлантирадиган ишни топиши осон эмаслигини яхши билади. Айниқса, банд бўлмаган аҳолининг малақаси, тажрибаси, ҳаттоки касби бўлмаган тақдирда ҳам бундай қийин аҳволга тушиб қолган фуқароларга шундай муаммоларидан фориғ бўлишида энг мақбул имконият туман бандликка кўмаклашувчи марказ эканлигини яна бир бор эслатиш жоиз.

Жорий йил бошидан марказимизда (4 ой давомида) иш сўраб мурожаат этган 2026 нафар фуқаро рўйхатга олинган. Улардан 1155 нафарини аёллар ташкил этади. Шу давр мобайнида 1872 нафар киши (1063 нафар аёллар) ишга жойлаштирилди. Жумладан, бош бошқармаимиз тасарруфидида Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва ма-

тирилиши, тадбиркорлик субъектларига солиқ, кредит ва бошқа йўналишларда имтиёзлар берилиши натижасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ижтимоий-иқтисодий жараёнлардаги иштироки сезиларли кенгаймоқда, қувонарлиси, яратилаётган янги иш ўринларининг катта қисми айнан тадбиркорлик субъектлари ҳисобига тўри келмоқда.

Туманимизда йил бошидан 2923 та янги иш ўринлари яратилган бўлиб, бунда «Макиз-Барака», «Визирколлектион», «Азизжаролик-сервис», «Холсимебель» масъулияти чекланган жамиятлари, «Сарвархон-максимум» хусусий корхонаси каби янги ташкил этилган корхоналарнинг ҳиссаси каттадир. Президентимизнинг 2006 йил 5 январдаги «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўрта-

Иқтисодиёт РАҚОБАТБАРДОШЛИККА ЭЪТИБОР

Ички бозоримиздаги кенг турдаги маҳсулотлар сифати, рақобатбардошлиги, импорт ўрнини босиши, қадоқланиши билан алоҳида ажралиб туради. Асосийси, ишлаб чиқарувчилар ушбу товарларни замонавий етакчи линиялар қувватига таяниб, энг илғор технологияларни қўллаган ҳолда тайёрлашмоқда.

2004 йилдан фаолият юритаётган «PARMOLAD» масъулияти чекланган жамияти шундай корхоналар сирасига кириди. Ҳозирда сафларида 20 нафар малакали, касбини эъозлайдиган ишчи-хизматчилар меҳнат қилаётган, Давлат маҳаллийлаштириш дастури асосида иш юритаётган маъмурият қорхона ахли 20 турдан ортиқ сифатли ва рақобатбардош маҳсулот — пишлоқ, майонез, кетчуп, хантал ҳамда пивидло ишлаб чиқариб, буюртмачиларини мамнун қилмоқда. Масалан, йирик буюртмачилардан ҳисобланган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси, «Интерконтиненталь-Тошкент» меҳмонхонаси учун 100 грамм ҳажмдаги 3 хил турдаги, шунингдек, 10, 15, 20, 30, 50 граммлик пишлоқ ва жемлар бежирим, қулай идишларда қадоқланмоқда. Пойтахтимиздаги супер, мини маркетлар учун 250, 500 граммлик сифатли маҳсулот тайёрланади.

Корхона тадбиркорлари доимий изланишда бўлиб, товарлар турларини янгилашга, харидор дид ва эҳтиёжидан, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда сифатга, буюртмалар ўз мuddатларида бажарилишига асосий эътибор қаратилади. Цехларда ўрнатилган юксак умумий технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилишларида ҳақиқий маддакор бўлмоқда. Янги лойиҳалар, пухта режалар узоқ мuddатли шартномалар асосида ҳамкорлар сафи кенгаймоқда.

Нигора МУХИДИНОВА

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Юртимиз иқтисодиёти равнақида чет эл инвесторлари ташкил этаётган қўшма корхоналарнинг ҳам ҳиссаси катта.

«Электроизолит» шаклидаги масъулияти чекланган жамияти Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ана шундай жамоалар сирасига кириди. 1997 йилдан фаолият юритаётган маъмурият қорхонанинг 15 та тармок шохобчаларида ҳозирги кунда 1200 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Замонавий технологик линия, дастгоҳ ва ускуналар маддадида сифатли ва рақобатбардош курилиш ашёлари ишлаб чиқараётган жамоа ахли, шунингдек, энергетика, нефть-газ ҳамда кимё соҳаларида қўлланиладиган асосий ва ёрдамчи дастгоҳ, ускуналарни таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Корхонанинг 270 миллиметрдан 6000 миллиметргача қувуртўкагич сегментлари, регенератив ҳавоиситгич пакетлари, профилигаги листлар, қолин, сопол плита, турли (кислотга таянч, оловбардошли, термоишончли) фишлар, иссиқ, изоляцияловчи материаллар, базальт прокладкалари харидоргирилиги билан ажралиб туради.

Малакали ишчилар таъмирлаш ишларини ҳам мuddатда бажаришга эришмоқда, буюртма асосида турли йўналишлардаги ишлар амалга оширилади.

Айни кунларда корхона тадбиркорлари изланишларини давом эттиришмоқда. Улар ишлаб чиқаришга татбиқ этилиб, сифатли курилиш ашёларининг харидоргирилиги таъминланмоқда.

Дилфуза АБДУЛЛАЕВА, талаба

ҲУНАРИ ГЎЗАЛАР

Пойтахтимизда фаолият юритиб, аждодлар аънаналарини давом эттираётган муносиб ворислар — қўли гул уста ва ҳунармандларимизнинг ижод намуналари нуфузли халқаро фестиваллар, кўрғазма-ярмаркалар, кўрик-танловларда совринли ўринларга сазовор бўлмоқда.

Ўн йил аввал теридан гўзал, бежирим, совғабоп маҳсулотлар ясашга уйғонган меҳр туфайли изланиш, ижодий меҳнат сабаб бугунги кунда Маргарита Валитова уста ҳунармандлар сафидан муносиб ўрин эгаллаган. Ҳунарманд фақат маҳаллий хом ашё — қўй териси ҳамда тоғларимизда учрайдиган турли живакдор тошлардан самарали фойдаланади. Моҳир қўлли уста нозик, бежирим, мафтункор маҳсулотларни қалб кўри билан тайёрлайди. Маргаританинг қўллаб кўриқ-танлов, кўрғазмаларда намойиш қилиниб, миждозлар томонидан эътироф этилган ҳамён, қулон, браслет, пардоз ашёлари учун сумкача, филофлар (қўл телефонлари, соатлар, кўзойнақларга мўлжалланган), безакли қўллаб буюмлари гўзалликка ошно нозиктаъб инсонларни мафтун этади.

Иждоҳор доимий изланишда бўлиши билан бирга, касбининг сир-асрорларини қизиқувчан, ҳунар эгаллашга мойиллиги бор ёшларга эринмай ўргатади, уларни ижодий меҳнатга йўналтиради. Ҳозирда уста Ҳамза туманидаги ўқувчилар ижодиёт марказидаги тўғарақда қўллаб ёшларга ҳунармандчиликдан сабоқ бермоқда.

(Ўз муҳбиримиз)

Ўқув масканларида

ЁШЛАР — ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ давлатимиз томонидан ёшларни жисмонан ва маънан баркамол, чуқур билимли, касб-ҳунар эгаси қилиб тарбиялаш борасидаги ислохотлар ҳаётиимизнинг бошқа соҳалари билан ўзаро chamborчас болган ҳолда, тизимли ҳамда босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Тошкент иқтисодиёт ва бизнес коллежида ҳам бу борада ўқувчиларга барча шарт-шароит, имкониятлар яратилган.

— Ўқув йили якунланди ва коллежимиздан 290 нафар битирувчилари учирма бўлишди, — дейди коллеж директори Пўлатхўжа Юлдашев. — Уларнинг келгусидаги орзу-истакларини рўёби йўлида уч йил давомида режавий иш олиб бордик. Бешта йўналиш бўйича тайёрлаётган мутахассисларимизга меҳнат бозориди талабларининг мувофиқлиги аниқланган. Ўқиб давомида ҳамкорларимиз билан тузилган узоқ йиллик шартномалар асосида ўқувчиларимиз асосан амалиёт ўтаган корхона, ташкилотларда (шунингдек, янги очилган кичик корхоналарда) иختисослиги бўйича доимий иш ўрнига эга бўлишмоқда.

Коллежимиз жамоасининг давомий аънаналари, таълим интизоми, ўзига хос ички маданияти ҳамда ўқитувчи-мураббийларнинг кўп қилган таълимий таълим тизимида муносиб ўрни бор. Таълим масканиди янги ўқув йилига мактаб битирувчиларини жалб қилиш учун аллақачон қизғин иш олиб боришмоқда. Қатъий режа асосида бу ерда барча йўналишлар камраб олинган ҳолда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, мунтазам равишда «Очик

эшиқлар кўни», «Касблар фестивали», «Касбим — фахрим» тадбирлари, турли учрашувлар, кўрик-танловлар ўтказилди. Шунингдек, байрамлар, буюқ аждодларимиз хотирасига бағишланган йиғилишлар ўқувчиларнинг маънавияти юксалишида катта аҳамият касб этади.

Навбатдаги «Очик эшиқлар кўни» тадбирига пойтахтимиздаги 97, 152, 122, 226, 99, 112, 307, 205, 42, 156, 250-мактабларнинг битирувчилари, уларнинг ота-оналари, ўқитувчилар таклиф этилди ҳамда улар коллежда барча йўналишлар бўйича билим олиш учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишишди, ўқитувчилар жамоаси ва ўқувчиларнинг ютуқларининг гувоҳи бўлишди. Ушбу тадбир доирасида коллеж микросида илк бор ўтказилган «Менинг орзу-истакларим» кўрик-танлови фойдалари — 1-ўрин соҳибаси Соҳиба Умарова ҳамда 2-ўрин эгаси Ширин Абдуллахўжаева (ҳар иккаласи ҳўжалик ҳуқуқи фаолияти йўналиши 14-гуруҳ ўқувчилари) эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Маъмур тадбирда қатнашган Ўзбекистон Республикаси Маънавият тарғибот марказининг ижти-

моий-сиёсий-ҳуқуқий тарғибот бўлими мудир Халима Жуманиёзова «Мажбурий таълимнинг мазмун-моҳияти» мавзусида, «Оққўрғон» маҳалласи оқсоқоли Улғубек Ҳакимов, ота-оналар, бошқарма вакиллари, ўқитувчилар сўзга чиқишди.

Яқинда коллежда семинар-йиғилиш ҳам ўтказилиб, унда мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инкирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қилиши хусусида сўз юритилиб, қўллаб соҳа мутахассислари, назорат қилувчи органлар ходимлари, халқ таълими етакчилари ўқувчиларни қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб беришди. Очик мулоқот тарзида ўтган тадбирда ўқувчилар ҳар жабҳада самарали ҳаракат, интилиш кераклигини, ўзларига яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиш зарурлигини тўғри англаганларини баён қилишди.

Муассар АБДУРАСУЛОВА

Сўраш, жавоб берамиз

ҚИСҚАРТИРИЛГАН МУДДАТИ БЕЛГИЛанади

Аёлларга Ўзбекистон республикасининг Меҳнат кодексиди меҳнат қилиши, ижтимоий муҳофазаси масаласида қўшимча кафолатлар белгиланганлигини эшитгандим. Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Забаржат Ҳасанова, Сергели тумани

Айнан сизни қизиқтираётган — уч ёшга тўлмаган болалари бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланмайдиган муассасалар ва ташкилотларда ишлаётган аёлларга иш вақтининг ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қисқартirilган муддати белгиланади.

Ҳомилдор аёлнинг, ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлнинг, шу жумладан, ҳомийлигида шундай боласи бор аёлнинг ёки оиланинг бетоаб аъсосини парвартиш қилиш билан банд бўлган шахснинг илтимосига кўра, иш берувчи тиббий ҳулосага мувофиқ, уларга тўлиқсиз иш кўни ёки тўлиқсиз иш ҳафтаси белгиланган мажбурдир.

Қарор ва ижро

ОБОДОНЧИЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра жорий йилда 932 554 та янги иш ўринлари яратилиши кутилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳри бўйича ижтимоий-иқтисодий йўналишдаги устувор вазиқлар таъминланишига доир чора-тадбирлар асосидаги иш ўринлари 73 551 тани ташкил этса, шундан 7 451 таси қўшимча тарзда яратилган иш ўринларидир. Биргина ободонлаштириш тизимида 3850 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган.

Жорий йил апрель ойида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бош бошқармаси бир қатор манфаатдор тузилмалар билан ҳамкорликда пойтахтимизда икки кун давомида ўтказилган умулшар бўш иш ўринлари ярмаркаси ободонлаштириш тизимида самарали натижалар берди. Яъни, ушбу ярмаркада бевоқиф қатнашган бош бошқарма сафлари деярли минг нафар фуқарога кенгайди. Янги кадрларни танлашда эса қўриқдаги қарорда кўзда тутилган меъёрий ўзгаришлар муҳим аҳамият касб этгани аниқ.

Бош бошқарма тасарруфиди бугунги кунда 11 та туман ва 7 та махсус тармоклар фаолият юритмоқда.

Айни кунларда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига қизгин таратдуд авж олган паллада ободончиларнинг ишлари қизгин кечмоқда. Ободончилик, кўккалмазорлаштириш, кўча, хиебон, йўлак, бекатларни тартибга келтириш каби юмушлар учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 12 миллиард сўмга яқин маблағ ажратилиши белгиланганлиги шаҳримизни янада обод қилиш борасидаги ишлар самарали бўлишидан яққол далолатдир.

Янги иш жойлари ташкил этиш билан бирга ушбу тизимнинг моддий-техник негизи ҳам янгиланмоқда. Йил бошида келтирилган 43 та махсус автолул «Самарқанд-давто» корхонаси ҳамда «ISUZU» компанияси ҳамкорлигида ишлаб чиқарилаётган бўлса, ушбу автотехника воситалари сони 2011 йилгача 172 тага етказилиши белгиланган.

Муҳаддас УМАРБЕКОВА

Хитой — тўртта буюк цивилизациядан бири, тўртта улкан кашфиёт — қоғоз, китобни нашр этиш, компас ва порохнинг Ватани ҳамдир. Хитой чинниси ва ипаги бутун оламга маълуми машҳур.

Хитойликлар қишлоқ ҳўжалик ишлари даврийлиги билан боғлиқ йил ҳисоблаш (йил тақвими) усулини ихтиро қилдилар, шунингдек, ўзига хос тиббиёт назарияси ва амалиётини ишлаб чиқдиларки, унга кўра турли касалликларга довор ўсимликлар ва соғломлаштирувчи концептуал тизимлар ёрдамида шифо берилди.

Хали эрамыздан аввалги 221

йилдаёқ ўз ҳукми остида бошқа барча шоҳлик ва хонликларни бирлаштирган Цин хоқонлигининг шоҳи ўзини дастлабки император деб эълон қилди. Мангу яшашни орзу қилган Цзиньцихуан кишиларни «узоқ умр» эликсирини излаш учун экспедицияларга юборди. Йиллар ўтди, асрлар бир-бирини алмаштирди, бироқ бундай узоқ умр кўриш эликсирларини қўлаш имконияти фақат жаҳоннинг энг қудратли лариғина насиб этди. Бинобарин, кўпгина императорларнинг узоқ умр кўргани ҳам тасоддий ҳол эмас.

Бугунги кунга келиб «Тяньши» трансмиллий корпорацияси аънавий кўп асрлик Хитой соғломлаштириш маданиятидан энг қимматли ва фойдали нарсаларнинг барчасини кишиларнинг қурби етадиган даражага келтиришга муваффақ бўлди.

Корпорациянинг бош офиси Пекинда жойлашган, 260 минг квадрат метр ҳудудни ўз ичига қамраб олувчи ишлаб чиқариш базаси эса Тяньцзинь шаҳридаги янги юқори технологиялар зонасидан ўрин олган. Замонавий био-муҳандислик ютуқларига таянган ва аънавий Хитой тиббиёти рецептларидан фойдаланган ҳолда «Тяньши» олимлари соғломлаштирувчи хислатларга эга ўз маҳсулотларини ишлаб чиқдилар.

Яқинда «Тяньши» корпорациясининг раҳбари жаноб Ли Цзиньюань Тошкентда бўлди.

«Биз ўз саъй-ҳаракатларимизни барча хоҳловчи кишиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида бутун жаҳон бўйлаб фойдали маҳсулотни тарқатишга йўналтирамиз, — деди у муҳбиримизга берган эксклюзив интервьюсида. — Организм функциясининг яхши-ширлиги тўрт таркибий қисмга: тозалаш, меъёрлаштириш, тетиклаштириш ва профилактикага боғлиқ. Ҳозирда Англия, Америка, Австралия, Канада мутахассислари куч-имкониятларини шифобахш ўсимликлар, кимёвий эмас, балки табиий бирикмалар кенг қўлланиладиган Шарқ табобатини ўрганишга йўналтираётгани ҳам бежиз

эмас.

«Тяньши» корпорацияси турли-туман илмий-тадқиқот институтлари, жумладан ХХР Фанлар академияси билан муваффақиятли ҳамкорлик қилган ҳолда янги маҳсулот турларини ишлаб чиқмоқда. У махсус Давлат дастурининг иштирокчиси ва соғлиқни сақлаш, жумладан генетика соҳасидаги муҳим мавзулар бўйича тадқиқотлар на-

ган. Узоқ вақт амалга оширилган тадқиқотлардан сўнг Россиянинг авиация ва космонавтика илмий-техшириш институти корпорацияга «Космонавтарга энг яхши соғломлаштирувчи маҳсулот учун» дипломини берган. Ҳозирда мазкур корпорация БМТ учун расмий равишда маҳсулотлар етказиб беришчилардан бири ҳисобланади.

Жаноб Ли Цзиньюань Тошкентда бўлганида «Пахтакор» стадионида тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда ижодий жамоалар, эстрада юлдузларининг чиқишлари ташкил этилди. 2-ногирон болалар интернати учун хайрия акцияси уюштирилди.

ал саломатлик боғи бунёд этилмоқда. У хар йили ўрта ҳисобда икки миллиард евролик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳамда соғломлаштириш, ўқитиш ва туризмга йўналтирилган. Ишлаб чиқариш корпусларидан ташқари бу ердан меҳмонхона мажмуалари, Спа-марказлари, сув боғи ўрин олади. Соғломлаштириш марказида ишлаш учун турли мамлакатлардан малакали шифокорлар ва олимлар тақлиф этилади.

Бундан бир неча йил аввал корпорация «Тяньши» институти қурилишига инвестиция қилган. Бу ерда гуманитар ва иқтисодий йўналишлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланади. Бунда ўқитишнинг амалий томонига асосий эътибор қаратилади. Кейинги пайтларда институтга хорижий талабалар ҳам қабул қилина бошланди.

— Ҳозир биз институт негизда университет ташкил этиш ҳаракатида-миз. Бунинг учун мамлакатимиз таълим вазирига рухсат олинди, — сўзида давом этади жаноб Ли Цзиньюань. — Мавжуд майдонларга яна бир миллион квадрат метрдан ортик майдон қўшилиши. Таълим даражасини кўтаришга эса Германия, Англия, АҚШ университетлари билан стратегик ҳамкорликнинг ўрнатилиши замин яратди. Уларнинг таърибаларидан фойдаланган ҳолда биз ижодий йўналишдаги кадрлар тайёрлашга интиламиз.

Ҳар қандай йирик корхона каби «Тяньши» ҳам жамият олдида ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олган. Корпорация фаолият кўрсатаётган ўн йил давомида хайрия мақсадлари учун 150 миллион евро маблағ сарфланган. Соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, аънавий Хитой маданияти асосида пишиқ иммунитетни таъминловчи сифатли соғломлаштирувчи маҳсулот яратиш, таълим олиш ва кишиларнинг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароитларни ташкил этиш ишлариغا янада кўпроқ маблағ киритилган.

Жаноб Ли Цзиньюань доимий таъкидлаганидек, унинг бош мақсади кишилар саломатлигини таъминлаш ва жамиятга хизмат қилишдир.

...Бундан икки минг йил муқаддам хитойликларнинг бахт тўғрисидаги тасаввурларидан бойлик, мартаба, саломатлик каби йўналишлар ўрин олган. Бугунги кунда эса узоқ умр кўриш кўпроқ биринчи ўринга қўйилмоқда ва унга албатта, сиҳат-саломатлик чамбарчас боғланиб кетган. Бундай мақсадга эришиш борасида эса албатта, «Тяньши» корпорацияси ҳам ўз хиссасини қўшмоқда.

Ольга АЛЕКСАНДРОВА



УЗОҚ УМР СИРЛАРИ КАЛИТИ



тижаларидан фойдаланиш учун фавқуллода ҳуқуққа эгадир.

— Соғломлаштириш масаласига қайтсак, ахир бу ўзини яхши ҳис этишнинг муҳим ажралмас қисмидир, — сўзида давом этади жаноб Ли Цзиньюань. — «Тяньши» мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган соғломлаштирувчи маҳсулот овқатланишни меъёрга солиш, қондаги липидлар миқдорини камайтириш, кексайиш жараёнини секинлаштиришга имкон яратди, ичаклар фаолиятини мувофиқлаштиради, иммунитетни оширади. Соғломлаштирувчи маҳсулотнинг сифати алоҳида эътибор қаратамиз. Шу мақсадда сифатни назорат қилиш стандартлари ишлаб чиқилган, кўпгина мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари билан ҳамкорлик йўлга қўйилган, ўз соҳасида ягона ва йирик сертификатлаш бўйича илмий-таъбиқ этиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

«Тяньши» маҳсулотлари тармоқдаги корхоналардан биринчи бўлиб ISO 9001 сифатни назорат қилиш тизими сертификатини, шунингдек, АҚШнинг FDA сертификатини ол-

— Биз Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантириш ниятида-миз, — таъкидлади жаноб Ли Цзиньюань. — Зеро, юртингиз ўрта Осиё минтақасида алоҳида ўрин-тутади. Бизнинг фаолиятимиз ҳамкорларга ҳалол ва адолатли муносабат ўрнатиш тамойилига асосланган ва ишлаётган мамлакатимиз қонунчилиги доирасида амалга оширилади. Қонунларга риоя қилиниши устидан назоратни эса 80 дан ортик малакали ҳуқуқшунослар амалга оширадидилар.

Ҳозирда жаҳон мамлакатларида ҳўкм сураётган моливий-иқтисодий инқирозга қарамай корпорация фаолияти ривожланмоқда. Ўтган йили қўшимча ишлаб чиқариш базалари, логистика марказларининг қурилиши ҳамда таълим берувчи университетнинг ташкил этилиши учун 2 миллиард доллар инвестиция қилинди. Малайзия, Венгрия, Вьетнам, Эфиопияда янги заводлар ва яна тўртта транспорт марказларининг қурилиши бошланди. Тяньцзинь шаҳри атрофида 100 гектарлик майдонда корпорациянинг улкан лойиҳаси амалга оширилмоқда — индустри-

я хайрия мақсадлари учун 150 миллион евро маблағ сарфланган. Соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, аънавий Хитой маданияти асосида пишиқ иммунитетни таъминловчи сифатли соғломлаштирувчи маҳсулот яратиш, таълим олиш ва кишиларнинг турмуш даражасини ошириш учун шарт-шароитларни ташкил этиш ишлариغا янада кўпроқ маблағ киритилган.

Жаноб Ли Цзиньюань доимий таъкидлаганидек, унинг бош мақсади кишилар саломатлигини таъминлаш ва жамиятга хизмат қилишдир.

Ольга АЛЕКСАНДРОВА

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари:

1. Тошкент шаҳар "SAHOVAT" жамоат фонди;
2. "SINERGIS" нодавлат нотижорат илмий-тадқиқот маркази;
3. Тошкент шаҳар "DIYDOR" хайрия маркази;
4. Тошкент шаҳар "Турк" маданияти маркази;
5. Тошкент шаҳар "TEATR ARBOBLARI" жамоат фонди;
6. Тошкент шаҳар "ADEPT" ўқув-илмий ва ахборот маркази;
7. Тошкент шаҳар "PENSION" жамоат ташкилоти;
8. Тошкент шаҳар "PEGAS AL FALAK" ногирон болаларни реабилитация қилиш ва интеграциялашган таълим бўйича тиббий педагогика маркази;
9. Тошкент шаҳар Корейс маданий маркази;
10. Тошкент шаҳар "YOSH PAHTAKORCHI" спорт-соғломлаштириш клуби;
11. Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман бўлими;

12. Халқаро "Наврўз" хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими;
13. "Атроф-муҳит ва соғлом ҳаёт" жамоатчилик марказининг Тошкент шаҳар бўлими;
14. Ўзбекистон кўзи оғири ва заиф болалар ҳамда ёшларни реабилитация қилиш бўйича "PANOH SHU'LASI" жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими;
15. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Сергели туман бўлими;
16. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман бўлими;
17. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Ҳамза туман бўлими;
18. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман бўлими;
19. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Бектемир туман бўлими;

20. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Шайхонтохур туман бўлими;
 21. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Яққасарой туман бўлими;
 22. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек туман бўлими;
 23. Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг Тошкент шаҳар Юнусобод туман бўлими;
 24. Ўзбекистон "Абдулла Қодирий" номи жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими;
 25. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий фондининг Тошкент шаҳар бўлими
- фаолияти тугатилганлиги муносабати билан, уларга Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси томонидан берилган гувоҳномалар ҳамда ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлари фойдаланиб келаётган бурчак штампи ва думалоқ муҳрлари БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



СИРЛИ ОЛАМ



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Атлантика океанининг энг совуқ ва ёруғлик кам тушадиган чуқурлигида истикомат қилаётган, ҳали фанга номаълум бўлган балиқ тури топилди. Олимлар мазкур балиқни ҳали атрофлича ўрганмаганликларини учун шартли равишда «балиқ оловчи» деб ном қўйдилар. Изчиллик билан ўрганишга киришилган бу, жонзот балиқлар билан озиқланади. У ўз оғирлигидан икки баробар кўпроқ бўлган балиқларни бир кунда еб битиради. Бу балиқнинг кўпайиши ҳам ўзига хос. Эрак балиқлар умуман ов қилмайди. Улар мода балиқнинг танасида бир умр яшайдилар. Қирқ баробар кичик бўлган эрак балиқлар урғочиларининг таналаридаги қон билан умр кечирадилар. Шундай бўлса-да она балиқлар оч қолганда ҳам эрак балиқларни еб қўймайди. Бу антиқа табиатга эга бўлган балиқ чуқур ўрганилмаган. Табиатда камдан-кам учрайдиган бундай жонзотларнинг яшаш тарзи кўпчиликини қизиқтириши тайин. Хали заманимизнинг кўплаб худудларига инсон оёғи етмаганлиги ва ўрганилмаганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, океанлар келажакда ҳали бундай янгиликлар билан инсонларни кўплаб хайратга солиши тайин.

● Буюк Британияда дарахтга болаларга мўлжалланган энг қиммат уй қурилмоқда. Уч қаватли қурилманинг нархи 50 минг фунтни ташкил қилмоқда. Бундай антиқа уйга таниқли бўлмаган россиялик бойвачча ўз фарзанди учун буюртма берган. Унинг афзалликларини талайгина. Витраж ойналар, плазмали телевизор, нарвон, осма кўприк ва тўрт тонна келадиган оғирликни тегага чиқара оладиган арқонли «лифт» болакайлари хурсанд қилиши аниқ.

● Антиқа глобусдан бири сақланадиган жой — Санкт-Петербургдаги Ломоносов музейидир. Унинг гаройиблиги шундаки, музейга келувчилар унинг ичига кириб, осмон гумбазининг айлишини кузатишлари мумкин. Ичига эса оз эмас — кўп эмас, ўн-ўн икки киши жойлашади. Унинг диаметри уч метру ўн бир сантиметр. Бундай антиқа глобус 240 йилдан буён фанга хизмат қилиб келмоқда.

● Истеъодли японияликлар айиқ терисини эслатувчи дизайнерлик ётоқхона қопини ўйлаб топилди. У қўқинчи ва антиқадир.

● Англиялик дизайнерлар аввал ишлатилган пластик идишлардан тайёрланган аёлларнинг шимли костюмини яратишди. Улар майдаланган ва тозаланган, кейин тайёр массадан майин ип тайёрланган. Бундай ажойиб костюмга 50 га яқин идиш ишлатилган. Унинг нархи эса 61 еврони ташкил қилмоқда. Компания бундай костюмларни кенг қўламда ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

● Гольф спорт туридан бири. У хавфли ўйин ҳисобланмайди. Аммо статистикага мувофиқ АҚШда яшин уришидан ҳалок бўлиш ҳолатларининг йигирма фоизи айнан шу ўйин пайтида содир бўлар экан. Бунга сабаб эса гольф очик майдонда ўйналади. Металл таёқнинг ўтказувчанлиги хусусияти жуда юқори.

● Парашютчи 1800 метр баландликдан йиқилиб омон қолди. У фақатгина умуртқасини ва қовурғасини синдириб олди. Англиялик парашютчининг омади бор экан. Бундан ташқари ҳаётда пишиган Жеймс Бул шундай баландликдан тушса ҳам омон қолди. Таниқли англиялик экстремал Бул бир неча йиллар аввал ўзининг Air 2 Air агентлигини ташкил этди. Асосан унда парашют спорти ҳақидаги фильмлар суратга олинди. Россияда суратга олинмаётган навбатдаги фильм сюжетлари вақтида фожа юз берди. Жеймс ўзининг шериги билан вертолётдан 1800 метр баландликдан сакради. Пастдан суратга олаётган телекамера Булнинг ҳаракатларини кузатарди. У ҳамкасбининг белгисидан сўнг парашютини очиши лозим эди. Шамолнинг бирдан кучайиши уни тоғ ёнбағрига учуриб кетди ва ҳамкасби белги беришга улгурмади. У соатиға 160 километр тезликда ерга айланиб тушди.

Экстремал сакрашларни суратга олиш Жеймс ҳаётини хавфга солди.

— Ўша вақтда мени юк автомобили уриб юборгандек бўлди. Мен оғриқдан баҳирардим. Қон туғлаб ҳаттоки ўзимнинг охириги васиятимни ҳам айтмоқчи эдим. Худого шукр шикастланишларим қўқинчи эмас экан. Ҳозир ўзимни жудаям яхши ҳис қиламан. Дунёдаги бахтли инсондекман, — деди Жеймс журналистларга.

Парашютчини Москвага олиб боришди, ундан сўнг ватанига жўнатишди. Ҳозир у ўз уйида даволанмоқда. Буюк Британияда Бул жудаям таниқли. Унинг фильмлари ва сюжетларидан телеканаллар мунтазам фойдаланишади.

Танловлар

ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИАТЛАР КАЛИТИ

Муостақилликка эришилган илк йиллардан оқ юртимиз ёшларининг иқтидори, мистеъдоди ва орзу-интилишини рўёбга чиқариш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор кўрик-танловлар, фестиваллар, янги-янги ижтимоий лойиҳалар, фан олимпиадалари мунтазам ўтказилиб келинмоқда.

Хусусан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ташкил этилаётган «Келажак овози» танлови ҳам аллақачон ёшларнинг интилишларига ҳамроҳанг ҳолда улар ҳаётига тобора кенгроқ кириб бораётгани билан эътиборга моликдир. Бир неча йилдан бери анъанавий тарзда келажак эгалари бўлган ёшларни ҳар тарафлама мукамал этиб тарбиялаш, иқтидор ва истеъдод соҳибларига ғамхўрлик кўрсатиш, ижод ва билим чўққиларини эгаллашларига кўмак бериш, интеллектуал салоҳиятларини рўёбга чиқариш каби бир қатор хайрли мақсадлар йўлида ташкил этилаётган ушбу танловнинг нуфузи кўтарилди, унда қатнашиш истагида бўлган ёшлар сафи ортиб бормоқда.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшлар иштирок этиб турли ижодий ва илмий йўналишлар бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишларига яқиндан кўмак бериб келаётган ушбу танлов 2005 йилда илк бор ўтказилган бўлиб, унда 3 мингдан ортиқ ёшлар иштирок этган. 2006 йилда уларнинг сони 10 мингдан ортиб кетди, 2007 йилда эса иштирокчилар сони 30 мингга етди, 2008 йилдаги худудий саралаш босқичларида 54 мингга яқин йигит-кизи иштирок этишди. Бу йилги танловга эса «Камолот» ЕИХ ва «Келажак овози» ёшлар Ташаббуслари марказининг худудий бўлиmlари билан бир қаторда Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги тасарруфидоги ўқув юртиларидан ҳам аризалар қабул қилинди. 23

хитектура ва дизайн», «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар, техник

ноъанавий усулларни тақлиф этаётган ёшлар ўз ижодий ишлари билан иштирок



мингдан зиёд иқтидорли ёшлар ушбу танловда иштирок этиш учун ариза билан мурожаат этди. Биргина Тошкент шаҳри саралаш босқичларида пойтахтда таълим олаётган ёшлардан 2 мингга яқини қатнашди ва яқинда ушбу танловнинг шаҳар босқичи юқори кўтаринкиликда бўлиб ўтди.

Айтиш жоизки, бу йил танлов шартлари ва номинациялари ҳам бир оз ўзгарган. Яъни, танловда аввал иштирокчилар етти номинация бўйича беллашган бўлсалар энди иштирокчилар ўн беш йўналишни ўз ичига олган тўртта номинация бўйича билим ва маҳоратларини синовдан ўтказдилар. Булар — «Ар-

лоийҳалар ва ишланмалар», «Анъанавий ва амалий санъат» ва «Адабиёт ва публицистика» номинацияларидир. Бу эса танлов сифатини янада ошириш билан бирга она Ватан тараққиёти йўлида барча соҳаларни қамраб олиш ва ёшлар эътиборини шу соҳаларга қаратишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Энди бевосита танловнинг шаҳар босқичи тафсилотлари лари ҳам бир оз ўзгарган. «Архитектура ва дизайн» номинацияси бўйича беллашув Тошкент Архитектура қурилиш институтида ўтказилди. Ушбу йўналишда меъморий иншоотларни лойиҳалаштириш, меъморий безаклар, интерьер дизайни ва шу йўналишдаги

этишди. — «Ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар» номинациясида ёшлар ҳаёти, спорт, маданият ва маънавият каби соҳаларни қамраб олган веб-саҳифам билан қатнашдим, — дейди Тошкент Давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Нуриддин Сирожиiddинов. — Ҳар томонлама изланишга ва интилишга чорлайдиган бундай танловлар ёшларни ўз билими ва қизиқиши бўйича янада фаолроқ, дадилроқ бўлишга қақиради.

Танловнинг «Анъанавий амалий санъат» номинацияси йўналишида ҳайкалтарошлик,

мусаввирлик, халқ амалий санъати, хунармандчилик анъаналарини давом эттириб келлаётган ёшлар ўз ижодий ишлари билан қатнашдилар. «Адабиёт ва публицистика» номинациясида наср, шеърят, бадиий публицистика жанрларида ижод қилаётган ёшлар фаоллик кўрсатдилар.

— Иштирокчилар томонидан тақдим этилган ҳар бир лойиҳа ўзига хослиги, бетакрор услуби ва пухта ишланганлиги билан бир-биридан ажралиб турди, шунингдек,



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

МАХТУМКУЛИ

Мард билан номарднинг иши тенг келмас.

Дунё молин берсанг, номардлар тўймас.

Номарднинг ўз уйи зиндондир.

Мол дея юрт кезар бахил-нодонлар.

Бедард киши дардли сўзин тингламас.

Бебақода хушдур, қолса яхши от.

Гулнинг мавсумидек даврон топилмас.

Одамзод меҳмондир дунё уйига, Бир кун уй ичинда меҳмон топилмас.

Жоҳиллар дардига дармон топилмас.

Тушиб бўлмас ғаддор

фалак олдиға,

Лабларинг тамшанар дунё молиға, Бир кун ўроғини олар кўлиға, Ҳўлми-қуруқ, ўриб-янчиб борадир.

Икки кун хуш бўлса, уч куни войдир, Қандайин манзилдир, қандайин жойдир, Бу дунё кўҳна бир карвонсаройдир, Келган юк қолдириб, кўчиб борадир.

Ётсанг тўшақда бемор, Қизиқтирмас молу қор, Зар тўксанг харвор-харвор, Кўзга илмас, жон керак.

Дуодан эл кўқарар, Ёмғирдан ер кўқарар.

Иқболнинг қилган иши ўнг келар.

Ихлос билан бир қомилга кўл берган, Етар бир манзилга, етмайин қолмас.

Ибрат кўзини очиб, жаҳонга назар айла, Икки кема тутмағил, бир ёнган назар айла.

Йигит кучи синдиради тошларни.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Қонун барчага баробар

Департаментнинг Шайхонтохур тумани ходимлари томонидан Собир Раҳимов туманида ўтказилган тезкор рейд давомида навбатдаги жиноят фош этилди.

ЖИНОЯТ ФОШ ЭТИЛДИ

Тошкент вилояти, Ўртағичриқ туманидаги «Кучлик» станциясидан 22 тонна пўлат сим ортлик учта юк автомашинаси «Бахт механик таъмирлаш устанонаси» ХЖ бош муҳандиси Абдували Жўраевнинг олдидан қўзланган ноқонуний хатти-ҳаракатини амалга ошириш учун йўлга чиқди.

Режага мувофиқ юк автомобилларидан бири Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, Қорақамиш 1/4 даҳасидаги бозорча ёнига келганида, уни Абдували Жўраев ва унинг мижози Н.Саидалиевалар кўтиб туришарди. Уша ернинг ўзида А. Жўраев аслида Сирдарё вилояти, «Пахтасаноат» бирлашмаси, «Бахт механик таъмирлаш устанонаси» ҳиссадорлик жамиятига тегишли Россия Федерациясида ишлаб чиқарилган диаметри 3,8 мм, ҳар бир рулони 1 тонналик 5 рулон симнинг 2 рулонини Н.Саидалиевага 400 АҚШ доллари эвазига сотади.

Текширув натижасида, ўз хизмат вазифасини суистеъмоқ қилган Абдували юқоридоги хатти-ҳаракатлари билан ўзганининг мулкини ўзлаштириб, талон-тороқ қилгани аниқланди. Жиноят жазосиз қолмайди. Абдували Жўраевнинг иши Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг очик суд мажлисида қўриб чиқилиб йирик миқдордаги жарима ҳамда 2 йилга раҳбарлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Даврон Тўлаганов,
Бош прокуратура ҳузуридаги
СВОЖДЛКК
Департаменти Тошкент шаҳар
Шайхонтохур
тумани катта суриштирувчиси

Футбол

«БУНЁДКОР» — ЯРИМ ФИНАЛДА

Куни кеча «Жар» стадионида «Бунёдкор» ва «Шўртан» жамоалари ўртасида Ўзбекистон Кубогининг чорак финал учрашуви бўлиб ўтди.

Бразилиялик легионер Ривалдо сардорлигида майдонга тушган тошкентлик футболчилар мurosасиз курашлар остида кечган ушбу учрашувда меҳмонларни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, «Шўртан» жамоаси аъзолари амалдаги Ўзбекистон чемпионига муносиб қаршилик кўрсата олишди. Барча голлар дарвозаларга биринчи бўлимда киритилди. Дастлаб ҳужумчи Вильянуэва тошкентликларни ҳисобда олдинга олиб чиққан бўлса, иқтидорли ёш чарм тўп устаси Шавкат Саломов жамоадошлари бошлаган ҳужумни самарали яқунлади — 2:0. Бироқ, ана шу голдан кейин гузорлик футбол-

чилар майдонининг ҳар бир ерида тўп учун мurosасиз кураш олиб боришди, мезонлар дарвозаси томон кўп марта хавфли ҳужумлар уюштиришди. 90 дақиқа давом этган қизиқарли беллашув давомида гузорликлар ҳужумларида фақат биргинаси мезонлар дарвозасининг ишғол этилиши билан яқунланди. Дарвозага тўпни Геворган йўллади.

Эндиликда Ўзбекистон Кубогининг ярим финалига йўлланма олган «Бунёдкор» «Хоразм» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги учрашув голиби билан куч синашади.

(Ўз муҳбиримиз)

Кейинги йилларда 24 соат бегўтов ишлайдиган бундай тезкор хизматлар қатори анча кенгайиб, уларнинг телефон рақамлари ҳам хотирамизда муҳрланиб улгурди. Шулардан бири — бу пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари муҳофазасини таъминлашга ихтисослашган 050 хизматидир. 31 майдан 1 июнга ўтар кечаси роппа-роса соат 24.00 да биз бу хизмат жойлашган манзилга ташриф буюриб, Тошкент шаҳар Факуллода вазиятлар бошқармаси Ахборот-таҳлил хизмати ва тезкор навбатчилар гуруҳи бошлиғи катта лейтенант Хуршид Алибоев билан суҳбатда бўлдик.

— Кўриб турганингиздек, ҳақиқатан ҳам биз учун иш вақти чекланмаган. Эртаю кеч, тунги соатларда ҳам асосий вазифамиз одатдагидек — шахримиз ахрлиси ҳамда худудларининг хавфсизлигини таъминлаш, факуллодада вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган. Тезкор навбатчилар томонидан пойтахт фуқаролари ва меҳмонларига тааллуқли турли кўринишдаги ҳолатлар, кун давомида келиб тушадиган юзлаб қўнғирқлар юзасидан тезкор қарор қабул қилиниб, уларга ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Чўнчи, бутун, кечки пайтдан тунгача бошқармаимизнинг 234-92-26 ҳамда «Кутқарув хизмати»га фуқароларимиздан олтинта мурожаат келиб тушган бўлса, ҳар бири бўйича юзгага келган вазият жойида ўргани-

воқеа содир бўлган жойга етиб бориб, қалтис вазиятларга тушиб қолган кишиларга зарурий техник ва тиббий ёрдам кўрсатишди. Бундан ташқари, 30 мингга яқин мурожаатлар бўйича бошқарма томонидан

ринчи тиббий ёрдам кўрсатилди. 144 марта хонадонлар ичкарисида газ плиталари, электр жиҳозлари ёқилган, қулфланган хонадонлар эшиклари махсус асбоб-ускуналар ёрдамида очиб берилиб, ёнгин-портлаш хавфи ҳамда инсонларнинг газ билан захарланиши фалокатларининг олди олинди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, фуқаро муҳофазаси хизматлари ҳаракатлари доимий равишда мувофиқлаштириб борилади. Олиб борилаётган тадбирларни янада самарали ташкил этиш, навбатчиликка жалб этилган шахсий таркибнинг мунтазам равишда фаолият юритишини инобатга олган ҳолда барча қулай шарт-шароитлар яратилган.

Тинчлик-хотиржамлик бўлиши дея, зарурат тутилганда, 050 ёки 234-92-26 телефонларига қўнғирқ қилиш мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтаемиз.

Тошкент молия институти талабаси Умид РАЖАБОВ ёзиб олди.

Тезкор хизматлар фаолиятдан

Шаҳримизда юзлаб хизматлар бўлса, уларнинг маълум эса, шубҳасиз, авваламбор бизнинг тинчлигимиз, хотиржамлигимиз, саломатлигимиз билан боғлиқдир. Зарурат туғилганда, тунги соатларда ҳам ҳаттоки ўйлаб ўтирмасдан, биз, масалан 01, 02, 03, 04 хизматларига қўнғирқ қиламиз ва албатта, илтимосимиз бажо этилади.

либ, тегишли тадбирлар амалга оширилади.

Умуман, жорий йилнинг ўтган беш ойи мобайнида Тошкент шаҳар ҳокимлиги тасарруфидоги «Кутқарув хизмати» бошқармасининг «050» теле-

ХОТИРЖАМЛИГИМИЗ ГАРОВИ

фонларига ёрдам ва маслаҳат сўраб шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар ва муассасалардан 50 мингга яқин мурожаатлар келиб тушган. Шундан, масалан, 705 тасида инсон ҳаётига хавф туғдирувчи ва йирик миқёсдаги факуллода вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган қақирувларга «Кутқарув хизмати» бошқармасининг ва авария-қутқарув отрядининг кутқарувчилари, мутахассислари ва бошқарма офицерлари зудлик билан

фуқаро муҳофазаси хизматлари (тиббиёт, газ, иссиқ сув ва совуқ сув таъминотлари, электр таъминоти, ёруғлик таъминоти, оқва сувлар ва бошқа хизматлар) ва авария-тиклash гуруҳлари ишлари мувофиқлаштирилиб борилади.

Вазифаларимиз кўлами кенг. Шу йил бошдан авария-қутқарув отряди ва «Кутқарув хизмати» томонидан 163 марта қақирув бўйича ўрнидан тура олмайдиган кекса ногиронларга ва қарияларга тезлик билан би-

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 3676 нусхада босилади. Қоғоз беченаи А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлиmlарига ёки «Тошкент почтаси»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийт-матбос өкциддорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-қўй.
15679
Топширилган вақти: 13.45